



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 3 ноябр, жума № 43 (426)

Сотувда нархи эркин



Термиздаги сўзлашув пунктининг телефончиси Сайёра АБРАЕВА кундалик режаларини ортиги билан бажариб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

УЛАР ҚОЧДИ, БИРОҚ...

«Қашқадарё Телеком» шўба корхонаси ташаббуси билан тузилган ҳарбийлашмаган гуруҳ ходимлари Қарши тумани «Ипак йўли» ҳужалиги ҳудудида бўлишганида, уларни «учарлар» кўриб қолиб ғойиб бўлдилар.

Афсуски, учарлар шоганидан олиб кетишга тайёрлаб қўйган сим ва кабелларини ҳамда шахсий мотоциклни

ташлаб кетишади. Шундай қилиб, туман ички ишлар бўлими ходимларининг бевоқиф ёрдами туфайли 500 метр алоқа сими ва кабели ашёвий далил сифатида Н. исмли шахс қўлга олинди. Сим ўргилари устидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Б. АРАБОВ,
Қашқадарё вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Киночилар уйда «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси ва республика кино арбоблари бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артистлари Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев ҳамда Сойиб Хўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• Қирғизистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Олти нафар номзоддан ушбу лавозимга давлатнинг илгариги раҳбари Асқар Акаев қайта сайланди.

• Туркменистон Мустақиллик кунини нишонлади. Шу муносабат билан Туркменистон президенти С. Ниязов амнистия эълон қилди.

• Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлган Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чжун «Би-Би-Си»га берган интервьюсида мазкур мукофотни КХДР раҳбари Ким Чен Ир билан баҳам қилишни хоҳлайман, деди.

• Британиялик Алекс Селби бир соат ичида бадавлат одамга айланган бўлса-да, ўзини омадсиз ҳисоблайди. У дунёда биринчи бўлиб «Эмерити» номли супербошқотирман ечди ва муаллифининг бир миллион фунт стерлинглик мукофотига сазовор бўлди. Бироқ узоқ йил ишсиз юрган математик А. Селби бунча пулни нимага сарфлашни билмай боши қотиб юрди.

Давлат алоқа инспекцияси давлат назорати органи сифатида жорий йилнинг 9 ой ичида Ўзбекистон Республикасининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашлари билан келишилган 2000 йилги текширишлар режа-жадвалига асосан почта алоқаси соҳасида — 43 та, телекоммуникация соҳасида — 155 та, назорат тартибиде эса 5 та текширишлар ўтказди.

Маълумки, ҳукумат томонидан чиқарилган қарорлар келажақда иқтисодий ислохотларни либераллашти-

Телеком-да 1009 тадан 879 таси, «Жиззах Телеком»-да 294 тадан 197 таси, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭАИЧ-да 245 тадан 181 таси, Навоий ДЭАИЧ-да 166 тадан 145 таси, «Андижон Телеком»-да 967 тадан 646 таси, «Сирдарё Телеком»-да 257 тадан 222 таси, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи»-да 585 тадан 361 таси, «Самарқанд Телеком»-да 188 тадан 67 таси, «Тошкент Телеком»-да 262 тадан 52 таси бартараф қилинмаган.

Юқорида кўрсатиб утилган корхоналардан ташқари уяли телефон алоқа хизмати курсатувчи айрим қўшма ва чет эл корхо-

тулаш урғача 7-8 фойзни ташкил этган эди, жорий йилнинг июл ва август ойларида ўтказилган текшириш натижалари эса бу курсаткининг 15 фойзга етганлигини кўрсатди.

Ҳисобот даврида почта ва телекоммуникациялар соҳасида 45 та (утган йилнинг шу даврида 93 та) масъул шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Маъмурий жариманинг умумий миқдори 186825 сўми (утган йилги шу даврга 214 180 сўми) ташкил этди ва тўлиқ ўндирилди.

Текширилган барча корхоналарда

ИШДА МАСЪУЛЛИК ВА НАЗОРАТ ДАВР ТАЛАБИ

риш ва чуқурлаштиришга йўналтирилмоқда. Шу мақсадда ҳисобот даврида ўтказилган текширишлар сони утган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 мартабага камайтирилди. Бу борада Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилаётган ва 2001 йил учун тузилган режадаги текширишларнинг сонига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Текширилган маҳаллий таксофонларнинг «Андижон Телеком» АЖда 65 фойз, «Қашқадарё Телеком» ШКда 19 фойз, «Сирдарё Телеком» АЖда 63 фойз, «Тошкент Телеком» АЖда 12 фойз, «Фарғона Телеком» АЖи, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭАИЧ, «Жиззах Телеком» ШКларида 11 фойз, «Наманган Телеком» АЖнинг Уйчи филиалида 100 фойз ҳамда тақдим қилинган ҳисоботларга қўра шаҳарлараро таксофонларнинг «Тошкент Телеком» АЖда 38, «Андижон Телеком» АЖда 83, «Қашқадарё Телеком» шўба корхонасида 59, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭАИЧ-да 55, «Сирдарё Телеком» ва «Наманган Телеком» АЖнинг Уйчи ва Хоразм ДЭАИЧ-нинг Янгиариқ филиалларида 100 фойз ишламаётганлиги, лицензия шартларининг етарли даражада бажарилмаслиги ва истеъмолчилар ҳуқуқининг асоссиз поймол қилинаётганлиги маълум бўлди. Демак, бу далилларнинг узидан ҳам Сирдарё вилоятининг 630 минг, Уйчи туманида 160 минг ва Янгиариқ туманидаги 77 минг кишилик аҳоли шаҳарлараро таксофон хизматидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум.

Жорий йилнинг утган даврида маҳаллий телефон алоқа хизмати курсатаётган корхоналарда утча бахтсиз ҳодиса («Қашқадарё Телеком» ШКда иккита, Хоразм ДЭАИЧ битта) содир бўлган.

Электр узатиш линиялари билан хавфли кесилишлар «Қашқадарё

налари фаолият учун берилган лицензиянинг асосий шarti бўлган тармоқни ривожлантириш ҳамда мижозлар сонини қўпайтириш режаларини уддаламаёпти, яъни лицензия шартларидаги мажбуриятларни бажармаётганлар. Масалан, «Ўздунробита» ҚКсида 70000 та урнига 35000, «DAEWOO Central PEGING Company» чет эл корхонасида 45000 та урнига 22000, «Коском» ҚКсида 69400 та урнига 13000, «RWS» ҚКсида 5300 та урнига 2350, «Ўзмаком» ҚКсида 80000 та урнига 9395 ва «Бузелт» чет эл корхонасида 107000 та урнига 9750 тага етказилган ҳолат.

Жорий йилнинг 1 сентябрга қадар «Ўздунробита» ҚКси республика ҳудуди бўйича шаҳарда 51,5 фойз ва бошқа аҳоли пунктларида 42,3 фойз, «DAEWOO Central PEGING Company» чет эл корхонаси ҳам шаҳарда 32,2 фойз ва бошқа аҳоли пунктларида 13,3 фойз, «Коском» ҚКси шаҳарда 28,8 фойз ва бошқа аҳоли пунктларида атиги 8 фойз, «RWS» ҚКси, «Ўзмаком» ҚКси ва «Бузелт» чет эл корхоналари эса фақатгина пойтахт ҳудудида фаолият курсатмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида почта алоқаси бўйича 12 та акциядорлик жамиятлари 30 та филиали ҳамда 88 та алоқа бўлимларида назорат текширишлари ўтказилганда почта алоқасида сифатсиз хизматта оид муножаатларнинг сони 1128 тани ташкил қилиб, 1999 йилнинг шу даврига солиштирилганда 1,9 мартабага камайган.

Ҳанузгача Наманган, Сирдарё, Навоий, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари почта корхоналари филиаллари ва алоқа бўлимларининг кассаларида мейёрдан 10 баробаргача ортиқча пул маблағларини сақлаш ҳолатлари йўл қўйилган. Айрим почта корхоналарида қасб қисмлари ва кундалик дафтарлар бўйича пул қолдиқлари ҳар кўни чиқариб борилмайд.

Текширилган корхоналарнинг ақсариятида пул маблағлари ҳаракати бўйича хисоботи ва бухгалтерлик назорати йўлга қўйилмаган. 1999 йилнинг охирида пенсияларни бегона-шахсларга қафолат хатларисиз

ариза ва шикоятлар билан ишлаш ҳамда 16-шакл алоқа (шикоят) статистик ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги, лицензия шартларининг мунтазам бажарилмаслигига олиб келмоқда.

Матбуот тарқатиш хизматлари курсатаётган корхоналар ва почта алоқаси бўлимларида ҳозирги вақтгача 388 та алоқа бўлими ва 278 та газета дуконлари органини чиқилганда, мижозлар учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминланган газета дуконлари сони аввалги текшириш натижаларига нисбатан анча қўпайганлиги аниқланди. Бу эса «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниясининг бу борада ижобий ишлар олиб бораётганидан далолатдир.

Республика радиоалоқа, радиозўнгириш ва телевидение ишлаб-чиқариш бирлашмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимларида радио-электрон воситалардан фойдаланишга махсус рухсатномаларни расмийлаштириш, қурilmаларни ижарага бериш, техник эксплуатация қилиш ва айниқса, узатиш тизимлари ва камқувватли узаткичларнинг қўлгина эҳтиёт қисмлари ишдан чиққанлиги, захира эҳтиёт қисмлари еттишмаслиги ва захира электр таъминоти усқуналари билан етарли таъминланмаганлиги натижада базиллари алмаштирилиш, базиллари умуман тўхташ арафасида бўлиб, вилоятлардаги телерадиоузатиш тизимлари қўп йиллардан бери шундай қўнқирисиз аҳволда ишлатилаётган. Шунингдек техник носозликларни тузатишда қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳамда лицензия шартларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмаган.

Ҳозирги кунда Идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг ишчи гуруҳи билан биргаликда республика ҳудудида телерадиодастурлар тарқатиш

(Давоми 2-бетда.)

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Хабар» газетасида 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиши мумкин.

Нашр курсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар

учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

«Хабар» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кўни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилгинг!

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси республика-миздаги барча алоқа бўлимлари, матбуот тарқатувчи жамиятлари ва айрим газета дуконларида 2001 йилга обуна қилишни давом эттирмоқда.

ИШДА МАСЪУЛИК ВА НАЗОРАТ ДАВР ТАЛАБИ

(Боши 1-бетда.)

фаолияти билан шуғулланаётган субъектларнинг лицензия фаолияти режа асосида урганиб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сонли Қарорига асосан Республика миқёсида телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш фаолияти билан шуғулланаётган 63 та лицензиатлар жорий йилнинг август ойида Идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясидан урнатилган тартибда қайта руйқатдан утишлари тўғрисида хат орқали оголхлатилди.

Жорий йилнинг 1 сентябрга қадар республика миқёсида телерадиодастурлар тарқатиш бўйича 43 та ва маълумотлар узатиш фаолияти билан шуғулланувчи лицензиатлар сони 32 тага етди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан лицензиатлар сони телерадиодастурлар тарқатиш бўйича 10 та ва маълумотлар узатиш бўйича 12 тага кўпайган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маълумотларни узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 52-сонли қарорига асосан, халқаро тармоқларга Маълумотлар узатиш миллий тармоғи «ЎзРАК» орқали 24 та маълумотлар узатиш фаолияти билан шуғулланувчи лицензиатлар Интернет тармоғига улашиш хизматини кўрсатишда. Лекин техник имконият йўқлиги сабабли «Найтов» масъулият чекланган жамият ҳозирги кунда кичик йўлдош алоқа линияси орқали ишлаб келмоқда.

«Ист Линк Компани ЛТД» кўшма корхонаси Интернет хизмати кўрсатиш учун ишлаб келинган кичик йўлдош алоқа тизими ва VSAT станцияси қурилмаларининг иши тўхтатилганлигига қарамадан шу кунгача уларни демонтаж қилинган.

Симли радиозиттиришлар эфир турига утказилиши сабабли жойларда радионүкталарнинг сони кескин камайиб кетмоқда. Жумладан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қашқадарь вилоятида радионүкталар сони 20284 тага (ва 4 та радионүқтаиғирим воситасига), Фарғона вилоятида 14308 тага, Қорақалпоғистон Республикасида 7226 тага, Самарқанд вилоятида 1769 тага, Навоий вилоятида 406 тага камайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2000 йил 28 августдаги 280-сонли буйруғи билан амалга киритилган алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкцияларнинг турри ҳисобланишини назорат қилиш мақсадида Давлат алоқа инспекциясида Санкция ва шикоятлар бўлими ташкил этилди. Уз навбатида молиявий санкциялар миқдорлари ва ҳисоблаш тартибининг тасдиқланиб, амалга киритилганлиги почта ва телекоммуникация соҳасидаги ҳужжатлик юритувчи субъектлар томонидан меъёрий ҳужжатлар, давлат, тармоқ стандартлари ва кўрсатилаётган хизмат сифати талаблари бузилганлиги учун санкциялар миқдорини ҳисоблаш тартибига риоя қилиш устидан ҳисобот маълумотларининг ишончилигини назорат қилиш вазифаси энг муҳим масалалардан биридир.

Бундан ташқари фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда «Ишонч телефони»ни ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётир. Корхоналар томонидан кўрсатилаётган маҳаллий телефон алоқа хизмати сифатини ва мижозларнинг фикрларини урганиш учун анкеталар ва суровлар утказиш низоми ишлаб чиқилиб, тегишли идораларнинг тасдиқлаши учун юборилди.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси, «Ўзбектелеком» ва «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниялари ҳамда почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритаётган бошқа корхоналар юрсатилаётган хизматларининг сифатини назорат қилиш механизминини Давлат алоқа инспекцияси билан биргаликда ишлаб чиқиши ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш юзасидан узаро ҳамкорликни кучайтиришлари лозим.

Дарҳақиқат, ишда масъулият ва интизом урнатиш, жамиятимиз теграсида жипс ва узаро ҳамкорликда узғаришлар ясаш, мустақил Ўзбекистонимиз равақига ва унинг мустақил истиқболи, нури келажагига интилоб ҳаракат қилиш давр талаби эканлигини унутмайлик.

М. РУСТАМОВА,
Давлат алоқа
инспекцияси бошлиғи

● Алоқа матбуот кўзгусида

УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР ЖАРАНГИ ТИНМАЙДИ

Литвадаги уяли телефон алоқаси нафақат қулай, балки арзон ҳамдир. Туртта фирма мижозларни узига оғдириш учун турли хил усулларда курашмоқда. Бунда реклама ҳам, турли танловлар ҳам, лотерея ҳам қўлланилмоқда. Рақобат уяли алоқа корхона эгаларини хизмат кўрсатишда сифатни ошириш билан бирга нархларни ҳам пасайтиришга мажбур қилмоқда. Фирмалар абонент тулови ва дақиқалар учун тулови 30 фоизга пасайтиришга мажбур булдилар. Масалан, фирмалардан бирида ойлик абонент тулови тахминан 6 долларни ташкил қилади, суҳбатнинг бир дақиқаси учун тулов бирмунча қимматроқ – 25 Америка центи. Кечаси ва дам олиш кунлари мазкур туловлар яна уч бараварига пасайтирилади. Бунинг устига уяли телефон эгаси унга кўнгирок қилишга ни учун пул туламайди.

ХОРИЖДАН «SOS» САДОСИ

Беларусь ҳукумати хорижда фавқулдда вазиятга тушиб қолган мамлакат фуқароларига ёрдам учун республика бюджетига ҳаражатлар моддасини ажратиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрламоқда. Шу муносабат билан беларусининг барча консуллари уяли телефонлар билан таъминланади, улар ҳамюртлари уз ташвишлари ҳақида хоҳлаган вақтларида маълум қилишлари учун сутка давомида уяли телефонларини уланган ҳолатда тутишлари шарт.

ИШ РЕЖАЛИ БЎЛСА

Куз келиши билан ҳар бир киши ўз-ўзига ҳисоб беради. Бу куз фаслининг ўзига хос хислати бўлса керак. Дарвоқе, биз ҳам «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» Марказий филиал бош муҳандиси Аълохон Анварович НИҒМАТОВ билан жорий йил ҳисобида корхона ходимлари нима ишларни қилди ва яна нималар қилмоқчилиги хусусида суҳбатлашдик.

— Аълохон ака, аввало жорий йилдаги режалар ва унинг ижроси ҳақида гапирсангиз?

— Филиалимиз жорий йил давомида тасарруфимиздаги уйларга 2500 дона телефон урнатишни режалаштирган эди. То ҳозирги кунгача 2040 дона телефон урнатиб, ишга туширдик. Масалан, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ раҳбарияти ташаббуси билан 22/23 – АТС биносида Юнусобод даҳаси 14-19 мавзелааридаги аҳоли учун 1000 рақамга мулжалланган АТС ишга туширилди. «Ҳасанбой» даҳасидаги «Гулистон» маҳалласига шартнома асосида 190 та телефон урнатилади. Шунингдек, ушбу даҳанинг ҳудудий жиҳатдан катталигини ҳисобга олиб, 1800 рақамга мулжалланган АТС қурилишини режалаштирилмиз. Ҳозирги кунда «Наврўз» ва «Исломобод» маҳалла кумиталарининг илтимослари биноан шу ҳудуд

фуқароларининг телефон алоқасига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лойиҳалар тайёрланиб қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар якунланганч, «Наврўз» маҳалласидан 90 нафар ва «Исломобод» маҳалласидан 30 нафар фуқаролар телефон билан таъминланади...

— Кечирасиз, гапингизни бўлдим. Айтингчи, мижозларнинг орасида кам таъминланган, яъни имтиёзга эга бўлган оналар борми? Агар бор бўлса, уларга хизмат кўрсатиш қай тарзда бўляпти?

— Яхши эслатдингиз. 9 май «Хотира ва қадрлаш» кунига бағишланган тadbирларга ва йиллик режамизга асосланиб, филиалимизнинг мижозлар билан ишлаш бўлимига ариза билан мурожаат қилган 104 нафар уруш ноғиронлари, қатнашчилари, фронт ортда хизмат кўрсатган фуқаролар, Афғон уруши иштирокчиси ва Чернобыль фожеяси қатнашчилари, боқувчиси йўқ кексалар, 1-тоифа

меҳнат ва тугма ноғиронларнинг барчасига жорий йилнинг 1 майгача имтиёзли тарзда телефон урнатиб берилди. Хусусан, ун нафарига бепул, 59 нафаридан 20 фоиз баҳода ҳақ олинди. Бундан ташқари шу кунгача ариза берган 30 нафар имтиёзга эга шахсларга навбатдан ташқари имтиёзли хизмат кўрсатилди.

— Кўриниб турибдики, қилинаётган ишлар мақсадга мувофиқ, яъни арзишга десак бўлади. Бирок, телефон алоқа хизматига талаб катта бўлиб турган пайтда, шу соҳанинг мутасаддилари сифатида аҳолининг телефонга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида яна қандай изланишлар олиб бораёсизлар?

— Ваҳоланки, телефон хизматида аҳоли эҳтиёжи кундан-кунга ўсиб бораётган экан, бу талабни бекаму-куст қондириш ҳам уз-узидан булавермайди. Чунки телефон урнатириш учун ариза билан келавтган кишиларни бизнинг ишхонада ҳар кун урчатишингиз мумкин. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилаётган филиалимиз жамоаси уз ички имкониятларидан келиб чиқиб, «Соғлом авлод йили» да қўшимча тарзда 900 фуқаронинг хонадонларига телефон урнатириш режалаштирган. Ҳозирги кунда бу борада ишлар давом эттириляпти.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Х. КАРИМОВ
суҳбатлашди

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Электралоқа таъминот» хиссадорлик жамияти барча алоқа корхоналари ва ташкилотларига ҳамда бошқа қизиқувчи корхоналарга қуйидаги алоқа ашёларини тақриф қилади:

1. Телефон кабеллари 10 жуфтдан 60 жуфтгача;
 2. Алоқа симлари;
 3. ТСВ 100x2 кабеллари;
 4. Телефон бокслари;
 5. Кабель яшиқлари;
 6. Кабель утказиш тафчалари (Россия);
 7. Блоки арқонлар (Россия);
 8. Монтер индикаторлари (Россия);
 9. Ҳар хил қулфлар (Россия);
 10. Монтерлик котгилари (Россия);
 11. Кабель илгичлар;
 12. Электр пайвандлагичлар;
 13. Канализация қудуқ қоқоқлари;
 14. Абонентлар учун овоз кучайтиригичлар;
 15. Шиша тасмалар;
 16. Турли хил махсус кийим ва махсус оёқ кийимлари;
 17. Европада ишлаб чиқарилган рақамли узатишга асосланган ҳар хил турдаги телефон аппаратлари. Нархи: 8000 сум;
 18. Европада ишлаб чиқарилган ҳар хил умумий фойдаланишдаги аппаратлар – 12000 сум;
 19. ДЭУ – 2340 телефон аппаратлари – 13500 сум;
 20. Марказий Осив мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги телефон аппаратлари;
 21. Лампалар;
 22. Турли хил телефон симлари;
 23. Алоқа ашёлари комплекти;
- Телефонлар: 191-23-19; 191-61-08; 191-60-21;
Факс: 136-36-27.

ЭЪЛОН!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

математика,
физика,
инглиз тили,
ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича олий ўқув юрларига кириш учун пуллик тайёрлов курсларини очади.
Курсларда машғулотлар тингловчилар гуруҳи жамланган кундан бошланади.

Манзил: Амир Темура кучаси, 108-уй, 261 ва 269-хоналар.
9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 93, 95, 115-автобусларнинг ва 2, 3, 16, 25, 28-трамвайларнинг «ШИВЛИ» («Интерконтиненталь» меҳмонхонаси) бекати.

Телефонлар: 35-36-06; 35-08-43; 35-09-34.



COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

Зулайхо Юсуфни куриб, унинг ишқиди саксон йил куйди, шунча йилдан сунгина фироқ ути тамом бўлди. У ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга етишди.

Зулайхо нидо қилди:
— Эй бор Худоё, Юсуф алайҳиссаломнинг фироқиди кўзларимни басир қилдинг, энди мен сенинг даргоҳингда бегона бўлдим. Юсуфнинг фироқиди

Аммо сенинг отингни туёғи менинг жонимга тегди. Шундан билдимки, сен Юсуфсан!

Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом сабрсизланиб деди:

— Ҳалиям мени хоҳлайсанми? Ахир ёшлигинг кетиб, ҳусну латофатинг қолмади-ку! Кўзларинг эса басир, барча аъзоларингга заифлик етган.
Зулайхо:

ҲИКОЯТ

ёшлигимни барбод қилдим. Миср қўлимдан кетди! У кўп шикасталик изҳор қилди. Ҳақ субҳонаху ва таолодан фармон бўлди:

— Эй, Юсуф Зулайхо сенинг ўтингда куйиб кул бўлди. Унинг ҳолини сура, сенсиз аҳволи қандай эканини кур!

Юсуф алайҳиссалом Худойи таоло ҳукми билан «Эрталаб лашкар йулга отлансин!» деб эълон қилди. Бу хабарни эшитган Зулайхо канизақларига:

— Менга бир ҳасса келтиринглар, йулга чиқиб утирай. Гарчи мен унинг дийдорини кўрмасам ҳам, у мени курсин. Мен учун овора бўлиб чиқибди, десин! — деди.

Бу ҳаёл билан бориб, йул устида утирди. Юсуф алайҳиссалом лашкарга унинг олдидан булиниб-булиниб ўтсин, деб буюрди ва ҳар бир гуруҳ лашкар Зулайхога: «Эй Зулайхо, Юсуф бизнинг орамизда борми?» деб сурасин.

Ҳар бир гуруҳ келиб сураса, Зулайхо «йўқ» дер эди. Охири Юсуф алайҳиссалом бир гуруҳ лашкар билан етиб келди.

— Эй Зулайхо, Юсуф қаердалигини биласанми? — деб сурашди.

Зулайхо:
— Менинг Юсуфим сенсан! — деб жавоб қилди.

Юсуф алайҳиссалом:
— Қаердан билдинг? — деб суради.

Зулайхо деди:

— Ҳар бир гуруҳ менинг олдимга келганида отларнинг туёғи орға тегар эди.

— Аммо муҳаббатим кундан-кунга зиёда бўлди! — деди.

— Бу қайдан маълум? — суради Юсуф алайҳиссалом.

Зулайхо:
— Эй Юсуф, қамчингни яқин келтир! — деди.

Юсуф алайҳиссалом қамчиларини яқин келтирди. Зулайхо қамчига қаратиб бир оҳ тортган эди. Оғзидан бир парча олов чиқиб қамчинга ўт туташиди. Юсуф алайҳиссалом қўлидан қамчини ташлаб юборди.

Зулайхо деди:
— Эй Юсуф, мени меҳнатингдан маломат қилар эдинг, бир утга тоқат қилмадинг, мен бечора эса неча йилдири, муҳаббатинг оловини юрагимда сақлаб юрибман!

Эй банда, қиёмат кунини ошиқ қўлларга: «Сирот кўпригидан утинглар, дузах оловини билан сизларнинг кўнглингизга муҳаббат утини жойлаштирдимки, бу ўтнинг бир парчаси дузах ўтига рупара бўлса, дузах ўти йўқ бўлиб кетажак!» деган фармон бўлади. Уша кун мўмин кўнглидаги Тангри таолонинг муҳаббат утидан дузах олови қочади ва нидо қилиб:

— Эй, мўминлар, борингизлар, сизларнинг оловингиз мени йўқ қилиб ташла-масин! — дейди

«ЮСУФ ВА
ЗУЛАЙХО» ДАН



Ишқим ўзинга тушди,
Кўзим гулингга тушди,
Фулум бўлишга тайёр
Жоним қўлингга тушди.



БУЮКЛАР ҚУВОНЧ ВА ҒАМ ҲАҚИДА

Инсон доим қувноқ яшаши керак. Агар қувончинг тугаса, нимада янглишганингни ахтар.

Агар ҳаёт сенга беқийс бахтиёрлик бўлиб туолмаса, бу фақат ақлнинг адашганидан далолат.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Атрофимиздагилар эмас, балки бизнинг уларга бўлган муносабатимиз бизга шодлик келтиради.

Ф. ЛАРОШФУКО

Кўпинча бизга секинча қанотида қайғу ҳам учиб келади.

Э. КАПИЕВ

Секинча эсдан чиқади-ю, қайғу эса ҳеч вақт унутилмайди.

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

Арзимаган ғам-ғуссалар дарров тилга чиқади, чуқур қайғу эса унсиздир.

СЕНЕКА

Ҳақиқий қайғу андишали бўлади.

Э. ГЕББЕЛЬ

КАРЛАР ТЕЛЕФОНИ

Швеция почта ва телефон алоқаси дирекциясининг хабар қилишича, ҳозир мамлакатда карлар учун махсус телефон аппаратлари ишламоқда. Унда бармоқ билан босадиган тугмали тахтача ва «суҳбат»ни ўқий оладиган кичик экранча бор.

Узаро сузлашув клавишлар ёрдамида амалга оширилиб, суҳбат телевизион экранда куринаверади.

Швецияда карлар учун яна бошқа хил телефон аппарати ҳам ишламоқда. Бунда сузлашув магнитофон тасмасига ёзилиб, кейин товуш сигналлари электрон аппарат ёрдамида автоматик равишда босма матнга айланади.

А. АЛИЕВ
тайёрлади

ҲИКОЯТ

Бир киши Абул Қосим ал-Ҳакимдан суради:

— Нега илгари замондаги олимларнинг панд-насихатлари одамларга таъсир қилар эди-ю, ҳозирги олимларники таъсир этмайди?

Ҳакимнинг жавоби сўнг даражада маънодор бўлди:

— Илгари замонда олимлар уйғоқ, одамлар уйқуда эдилар. Уйғоқ киши уйқудагини уйғота олганидек, уларнинг панд-насихатлари ҳам одамларга таъсир этарди. Бугунги кунда олимлар уйқуда, одамлар эса улик. Узинг айтчи, уйқудаги кимса уликни тирилтира оладими?!

● Ажаб дунё

ҲАР НАРСА ЎЗ ВАҚТИДА

УЛАР биринчи марта қонуний никоҳдан утганди, куёв 83 ёшда, келин эса 79 ёшда эди (Ҳар бири ҳаётда биринчи марта турмуш қуриши эди!). Никоҳ тантанаси 1986 йили Литванинг Укмерге шаҳрида бўлиб ўтди. Павидас Пятрас ва Прудоките Ефросиния иккаласи, яъни эр-хотин уша йилнинг узида биринчи ҳаётдан кўз юмдилар.

Ю4 ЙИЛЛИК МУҲАББАТ

ЖАҲОНДАГИ энг қари оила соҳиблари эр-хотин Илès ва Хатин Жаъфаровлар бир жойда, Озарбойжондаги Яншак қишлоғида 105 йил яшадилар. Улар шу ерда танишдилар, шу ерда туй қилдилар ва 104 йил бахтли яшадилар. Уларнинг оиласида 12 нафар фарзанд дунёга келди. Ҳозирги кунда Жаъфаровлар оиласи (Илès ва Хатин Жаъфаровлар авлоди) 200 кишидан ошиб кетди.

Жаъфаровлар узларининг темир, тош, олтин, бриллиант ва ниҳоят шоҳ туйларини нишонладилар. Шоҳ туйдан кейинги ном ҳали уйлаб қурилмаган. Жаҳон тарихида содиқ, вафоли оиланинг туйлари биринчи марта нишонланди.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Иzzат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир)
Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган
кўлèзмалар (2 оралиқда,
5 бетдан ошмаслиги
лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарил-
майди. Мақолалардаги
фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва
рақамлар масъулияти му-
аллифлар зиммасидадир.

Рўйхатта олиш № 00011.

Буюртма № Г-1039.
4839 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1
босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБAA КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6